

Фитна замони



08:00 / 27.01.2020 2304

Абу Салама ибн Абдурраҳмон айтади: «Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни кўргани борсам, оғриқдан қийналиб ётган экан. Уни бағримга босиб, «Аллоҳим, Абу Ҳурайрага шифо бергин», дедим. У эса: «Аллоҳим, касалликни қайтарма» деб, буни икки марта такрорлади. Кейин менга шундай деди: «Қўлингдан ўлиш келса, ўлгин. Абу Ҳурайранинг жони қўлида бўлган Зотга қасам, шундай замонлар келадикки, ўлим улар учун қизил олтиндан ҳам азиз бўлиб қолади. Шундай замон келадикки, киши биродарининг қабри ёнидан ўтаётиб, ўша қабрда бўлишни орзу қилади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан